



## PREZIDENTLIKKA NOMZODNING SAYLOVCHILAR BILAN UCHRASHUVLARI DAVOM ETMOQDA

Худудларда "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.** Навоий шаҳридаги Фарҳод маданият саройида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Махмудова Робахон Анваровнанинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда номзоднинг ишончли вакили, маҳаллий Кенгаш депутатлари, корхона ташкилотлар ишчи ходимлар, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари ва электорати ҳамда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Учрашувда Президентликка ном-

зоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, партиянинг вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов иштирокчиларга номзод тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Сўнг партиядан Президентликка кўрсатилган номзод Робахон Махмудова навоийликларга мурожаат қилар экан, энг аввало, унга билдирилган ишончли партиясига билдирилган ишонч деб, қабул қилишини таъкидлади. Шу билан биргаликда, қарийб бир миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган, мамлакатимизнинг энг муҳим

саноат корхоналари жойлашган, ер ости ва ер усти бойликлари эга бетақдор Навоий халқи ўзларининг фидоий ва самарали яратувчилик ишлари билан янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга катта ҳисса қўшаётганликларини алоҳида мамнуният ила эътироф этди.

Юзма-юз мулоқот давомида номзод сайловчиларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди.

Таъкидланганидек, дастурда илгари сурилаган гоя ва вазифалар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида адолат тамойилларини барқарор таъминлашни назарда тутди.

Жумладан, номзод дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ўсишига эришиш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар илгари сурилмоқда.

– Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон дунёвий давлат деб эълон қилинди, – дейди учрашув чоғида Президентликка номзод Робахон Махмудова. – Биз ушбу конституциявий тамойилни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидан борамиз!

2-3

## СAYЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ВИДЕОКАМЕРАЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Жорий йил 9 июлда муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ишлари жадал давом этмоқда. Бунда сайлов участкаларини зарур жиҳозлар, техника ва бошқа анжомлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда рақамли технологиялар ривожланиб, кундалик ҳаётимиздан муҳим ўрин эгалламоқда, жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига жадал кириб бормоқда. Ахборот асрида рақамли технологиялар тараққий этиб бораётган бир пайтда сайлов жараёнларида ҳам уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратилаётир.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Рақамли технологиялар ва Ички ишлар вазирликлари мутахассислари билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқилиб, сайлов куни овоз бериш жараёнини реал вақт режимида (онлайн) видео-трансляция қилиш мақсадида республиканинг барча туман ва шаҳарлари ҳудудида жойлашган иккитагача сайлов участкаларида видеокамера ва бошқа зарур қурилмалар ўрнатиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

2

# HUQUQIY DAVLATNI BIRGALIKDA QURAMIZ!

MAXMUDOVA  
ROBAHON

ADOLAT  
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

✓ 9-IYUL

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTLIGIGA NOMZOD ROBAHON MAHMUDOVA GA OVOZ BERING!

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР

Шунингдек, номзод ўз нутқида инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ижтимоий сиёсат юритиш хусусида ҳам тўхталди. Дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган социал-демократик ғоялар – эркинлик, адолатчилик, бирдамлик ўзбекна қадриятларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилгани учрашув иштирокчиларида қизиқиб уйғотди.

Президентликка номзод тадбир якунида учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб берар экан, қутилган сайлов Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканини, у жоҳон мамлакатимиз тараққиёти йўналишини белгилаб беришини таъкидлаб, Навоий вилояти сайловчиларини 9 июль куни овоз бериш жараёнида фаол қатнашишга чақирди.

Тадбирда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, Навоий давлат педагогика институти ректори Баҳодир Собиров, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, вилоят болалар кутубхонаси директори Раъно Ризаева, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Навоий давлат педагогика институти "Хорижий тиллар" факультети декани Дилором Шамсиева сўз олиб, партиядан Президентликка кўрсатилган номзод ҳақида, унинг Сайловди дастури борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришти. Шунингдек, маърузачилар тадбир иштирокчиларини бўлажак сайловда партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудова Нукус шаҳрида қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашди.**

Учрашувда номзоднинг ишончли вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходимлари, фаоллар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишти.

Учрашувни Президентликка номзоднинг ишончли вакили, партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нуруллой Қайипбергенов очиб берди ва дастлаб йиғилганларга номзоднинг таржimai ҳоли ва меҳнат фаолияти хусусида батафсил маълумотлар берди.

Сўнгра номзод Робахон Махмудова сўзга чиқиб, Қорақалпоғистон Республикасида кейинги йилларда иқтисодиёт, sanoat, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари жадал ривожланиб, янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида амалга оширилатган кенг қамровли ислохотларга қатна ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Юзма-юз мулоқот давомида номзод сайловчиларни ўз Сайловди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди.

Таъкидланганидек дастурда илгари сурилатган ғоя ва мақсадлар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамяят ҳаётининг барча жабҳаларида адолат тамойилларини барқарор таъминлашни назарда тутди.

Жумладан, номзод дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ўсишига эришиш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, фуқаролик жамятини ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар илгари сурилмоқда.

– Маълумки, Янги таҳрирдаги Конституцияимизда Ўзбекистон дунёвий давлат деб эълон қилинди, – деди учрашув чоғида Президентликка номзод Робахон Махмудова. – Биз ушбу конституциявий тамойилни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш, мамлакатимизни ҳар жиҳатдан тараққиёт эттириш йўлидан борамиз!

Қолаверса, Орол минтақасида яшовчи кўп миллатли қорақалпоқ халқининг тақдирини билан чамбарчас боғлиқ бўлган экологик муаммоларга ижобий ечим топиш масалалари ҳам номзод дастурида илгари сурилган.

Тадбир иштирокчилари номзоднинг Сайловди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Бугунги учрашувда номзодимизнинг Сайловди дастури билан батафсил танишиш, унда илгари сурилатган ғоя ва мақсадларнинг моҳиятини атрофлича тушуниш, англаш имконига эга бўлди, – деди "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси Улбосин Сейтжанова. – Номзоднинг Сайловди дастурида адолатли жамяят ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш ғояси, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби ғояларнинг илгари сурилганлиги, биз аёлларни, оналарни бифарқ қолдирмайди.

– Бугун партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловди дастурини бевосита номзоднинг ўзидан эшитиб, батафсил танишдик, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Галина Зоркина. – Сайловди дастурида эътиборимни тортган жиҳати илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали фан – таълим – ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш масаласи бўлди. Шунингдек, адолатли жамяят ва ҳуқуқий давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамиятини ошириш, олимларни, ихтиро ва ихтирочиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Маърузачилар тадбир иштирокчиларини бўлажак сайловда партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

## САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ВИДЕОКАМЕРАЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Онлайн-трансляция учун видеокамералар ўрнатилган участка сайлов комиссиялари биналари, яъни овоз бериш жойлари ва хоналари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тавсиялари асосида Марказий сайлов комиссияси томонидан шакллантирилади. Видеокамераларни ўрнатиш ва жиҳозлаш Ички ишлар вазирлигининг "Хавфсиз шаҳар" маркази томонидан амалга оширилади. Ушбу камералар орқали сайлов куни жараёнларни онлайн-трансляция қилиш Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан таъминланади.

Сайлов участкаларида ўрнатилган

видео-кузатув камералари орқали сайловда овоз бериш жараёнини МСКнинг расмий веб-сайтида, Матбуот марказининг LED экранларида ҳамда МТРКнинг телеканаллари орқали реал вақт режимида трансляция қилиб борилади. Бунда сайловчиларнинг яширин овоз бериш принципларига тўлиқ риоя этилади. Таъкидлаш жоизки, сайлов участкаларида видео-кузатув камераларининг ўрнатилиши сайлов жараёнларини, хусусан, овоз бериш жараёнларини ҳолис кузатиш ҳамда очиқлик ва шаффоқлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарама КОМИЛОВА,  
Ўза мухбири



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Тошкент ахборот технологиялар университети Урганч филиалида Президентликка номзод Робахон Махмудованинг хоразмлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Тадбирни дастлаб, номзоднинг Хоразм вилоятидаги ишончли вакили – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Хоразм Маъмун академияси профессори Икром Абдуллаев кириш сўзи билан очиб бериб, номзоднинг таржimai ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтди. Номзод ўз Сайловди дастурида давлат ва жамяят тараққиётига, фуқаролар фаровонлигига дахлдор изчил тақлифлар илгари сурилатганлиги айтиб ўтди.

Шундан сўнг Робахон Махмудова Сайловди дастурида илгари сурилатган устувор йўналишлар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, халқимиз маъқуллаши билан янгиланган Конституцияимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатдир, деган қоида мустахкамлаб қўйилди. Бунинг яққол тасдиғи сифатида Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар 9 баробарга ошди. Бу эса барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши лозимлигини аниқлатади. Негаки, қонун устувор бўлган жамяятда тинчлик ва осийшталлик ҳукм суради, тараққиётнинг барқарор ва бардавомлиги таъминланади, халқнинг давлат сиёсати ва келажақка бўлган ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Ўз маърузаси давомида Президентликка номзод ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишига оид мақсадларига алоҳида тўхталди.

– Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича дастурни ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифамиздир.

Биз худудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш тарафдоримиз, – дея таъкидлади Робахон Махмудова.

Шунингдек, номзод ўз маърузасида "Қонун устуворлиги – адолатли жамяят қуришнинг муҳим шарт!" тамойилни жамяятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоида сифатида айлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъозлаш эркин ва адолатли жамятининг ажралмас хусусияти эканига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, номзод Сайловди дастурида ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, ушбу дастурларни назорат қилиш тизимига янгича ёндашиш, инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиёт, самарали иқтисодий сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалалар белгилашганини хоразмлик сайловчиларнинг эътиборини тортди.

– Номзодимизнинг Сайловди дастурида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамятини қуриш борасида партиямизнинг бош мақсади бўлган қонун устуворлиги, адолат ғоялари ўз аксини топган, – деди "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби Замира Абдуллаева. – Хусусан, дастурда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларнинг изчилик билан амалга оширилишини назарда тутуви мақсадлар белгиланган.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловди дастури мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш бўйича устувор ғояларни ўзида қамраб олганлиги билан ҳаммаимизнинг эътиборимизни тортди, – деди Тошкент табиёат академияси Хоразм филиали ўқитувчиси Умида Палвонова. – Жумладан, номзод дастурида аёлларга нисбатан оилавий зўравонликка қарши қабул қилинган қонунийнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, бу борада давлат дастурларини ҳамда стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ғоялар кўпчиликка маъқул бўлди.

Тадбирда сўз олган маърузачилар номзоднинг дастури, унда илгари сурилатган ғоя ва мақсадларни қўллаб-қувватлаш бораборида, йиғилганларни қутилган муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда Робахон Махмудовага овоз беришга чақирди.



# БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.** Сайловолди дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини барқарор ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир тақлифларини илгари сураётган партия номзодининг водийлик сайловчилар билан учрашувлари Андижон вилоятидан бошланди.



Бой тарихга эга кўркам Шахрихон туманида ташкил этилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, Президентликка номзод Робахон Махмудованинг бош ишончли вакили Иномжон Қудратов томонидан тадбир иштирокчиларига номзод ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг Президентликка номзод Робахон Махмудова сайловчилар билан юзлашиб, мамлакат ривож, фуқаролар фаровонлиги йўлида амалга оширишга қаратилган ғоя ва мақсадлари ақс этган Сайловолди дастури, унда илгари сурилатган устувор йўналишлар билан иштирокчиларни яқиндан таништирди.

Таъкидланганидек, номзоднинг Сайловолди дастурида Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг социал-демократик модели тақлиф этилмоқда.

Айтиш жоизки, номзод дастурида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақидаги конституциявий принцип давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида таъкидланиб, халқ ҳокимиятининг ёрқин

тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инсон капиталини ривожлантириш каби масалаларда изчил тақлифларнинг илгари сурилатгани тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, дастурда субсидиялар бериш тизимини янада такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, имтиёзларни аниқ соҳаларга бериш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантиришни назарда тутувчи тақлифлар илгари сурилмоқда.

– Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани, таълим ва тиббиётимизни ривожига оид жуда муҳим лойиҳалар илгари сурилгани диққатимизни тортди, – деди “Ёш адолатчи”лар қаноти фаоли, “Мард ўғлон” Давлат ташкилоти соҳиб Ислам Бектошев. – Жумладан, таълимнинг барча босқичларида ёш авлоднинг билимини ва кўникмаларини замон талаблари даражасида шаклланти-

риш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш вазифаси ўрин олган. Уз ўрнида ўқитувчи касби нуфузини ошириш масаласи илгари сурилгани эътиборли. Жамиятимиз ривожини, ёш авлод камолотини ўқитувчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, соҳа ходимларига қанча эътибор кўрсатилса, уларнинг меҳнати қадрланса арзийди.

Инсон саломатлиги борасида белгиланган вазифалар ҳам сайловчиларга мақул бўлаётгани бежиз эмас. Таъкидланганидек, аҳоли саломатлиги давлат ва жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири саналади. Номзодимиз аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усуллари кенг жорий қилишни давом эттиришни долзарб санаб, тиббиёт соҳасини янада слоҳ қилишни тақлиф этмоқда. Бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида жамият ривожига ҳам хизмат қилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастури юртпарвар ғоя ва мақсадлар жамланмаси эканлигини эътироф этиш баробарида, йиғилганларни қутилаётган муҳим сиёсий тадбирда Робахон Махмудовага овоз беришга чақирди.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робахон Махмудова мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилган устувор ғоя ва мақсадлари мужассам Сайловолди дастурини яқиндан таништириш мақсадида вилоятнинг Қўштепа туманида фарғоналик сайловчилар билан учрашди.



Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб, «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг бош ишончли вакили Иномжон Қудратов Президентликка номзод ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг Президентликка номзод Робахон Махмудова сайловчилар билан юзлашар экан, Сайловолди дастурида, энг аввало, Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини изчил ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш каби улғувор мақсадлар назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг узлуксиз ривожланишини таъминлаш йўлида жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инсон капиталини ривожлантириш каби долзарб масалаларда аниқ мақсад ва вазифалар тақлиф этилаётганлиги қайд этилди.

Қолаверса, номзоднинг Сайловолди дастурида «Ақлли тиббиёт» тизимини шакллантириш, жамиятда ўқитувчилар мақомини ошириш, субсидиялар бериш тизимини янада такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, имтиёзларни аниқ соҳаларга бериш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантиришга қаратилган ғоялар илгари сурилатганлиги айтиб ўтилди.

Жараёнда номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан Робахон Махмудованинг Фарғона вилоятидаги ишончли вакили Гулбаҳор Саидганиева, халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Н.Исақов ва партия фаоли А.Набиевлар сўз олиб, тақлиф этилаётган устувор мақсад ва ғоялар халқ фаровонлиги ва Ватан равақига хизмат қилишини эътироф этар эканлар, тадбир иштирокчиларини 9 июль кунини бўлиб ўтаётган Президент сайловида номзодни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

«Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.



## SAYLASH VA SAYLANISH HUQUQI



O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 128-moddasiga ko'ra:

“O'zbekiston Respublikasining fuqarolari davlat hokimiyati vakillik organlariga saylash va saylanish huquqiga egadirlar. Har bir saylovchi bir ovozga ega. Ovoz berish huquqi, o'z xohish-irodasini bildirish tengligi va erkinligi qonun bilan kafolatlanadi”.

O'zbekiston Respublikasida saylov umumiy, teng, to'g'ridan to'g'ri saylov huquqi asosida yashirin ovoz berish orqali, ochiq va oshkora o'tkaziladi.

Saylov kuni hamda saylov kunigacha 18 yoshga to'lgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari saylash huquqiga egadirlar.

Sud tomonidan muomalaga layoqatsiz deb topilgan fuqarolar, shuningdek og'ir va o'ta og'ir jinoyatlar sodir etganlik uchun sudning hukmiga ko'ra ozodlikdan mahrum etish joylarida saqlanayotgan shaxslar saylovda ishtirok etish huquqidan faqat qonunga muvofiq hamda sudning qarori asosida mahrum etilishi mumkin. Boshqa har qanday hollarda fuqarolarning saylov huquqlarini to'g'ridan to'g'ri yoki bilvosita cheklashga yo'l qo'yilmaydi.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVIDA MUDDATIDAN OLDIN OVOZ BERISH TARTIBI



Saylov kuni o'z yashash joyida bo'lish imkoniyatiga ega bo'lmagan saylovchi muddatidan oldin ovoz berish huquqiga ega.

Muddatidan oldin ovoz berishni amalga oshirish uchun saylovchi:

tegishli uchastka saylov komissiyasining a'zosisga o'z shaxsini tasdiqlovchi hujjatni ko'rsatadi;

Saylov kunida bo'la olmasligining sabablari ko'rsatilgan ariza asosida uchastka saylov komissiyasidan saylov byulletenini va konvertini oladi;


Saylov byulletenini olganligi haqida ushbu uchastka saylov komissiyasining kamida ikki nafar a'zosi hozirligida saylovchilar ro'yxati ko'chirmasiga imzo qo'yadi;

Muddatidan oldin ovoz berish 2023-yil 28-iyun kuni boshlanib 2023-yil 5-iyul kuni yakunlanadi.

Saylov uchastkasida muddatidan oldin ovoz berish vaqti

ISH KUNLARI

soat 9:00 dan  
soat 18:00 ga qadar



DAM OLIISH VA BAYRAM KUNLARI

11:00 dan soat  
17:00 ga qadar



To'ldirilgan saylov byulletenini konvertga soladi va yelimlab yopadi hamda yopiq konvertni uchastka saylov komissiyasi a'zosisga topshiradi.



Uchastka saylov komissiyasining ikki nafar a'zosi saylovchi hozirligida konvertning yopiqligini tekshiradi va konvertning yelimlangan joyiga uchastka saylov komissiyasining ikki nafar a'zosining imzolari qo'yilib, u komissiyaning muhri bilan tasdiqlanadi.



Konvert saylov kuni ovoz berish jarayoni yakunlanguniga qadar uchastka saylov komissiyasining seyfidagi saqlanadi.



**XV боб. Оммавий ахборот воситалари**

**81-модда.**  
Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.  
Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.  
Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

**82-модда.**  
Цензурага йўл қўйилмайди.  
Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралashiш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан



**27 | MATBUOT VA OMMAVIY  
AXBOROT VOSITALARI  
UCHUN XODIMLARI KUNI**

**НОМИ УЛУҒ,  
МЕҲНАТИ  
МАШАҚҚАТЛИ  
КАСБ**



**Жаббор РАЗЗОҚОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Журналист касби кўпгина инсонларни ўзига ром этса ҳам, бу номга муносиб бўлиш осон эмас. Бу шундай касбки, унинг чинакам эгаси бўлиш учун олий маълумотли бўлиш, махсус диплом олишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳақиқий туғма истеъдод, тинимсиз меҳнат ва маҳоратгина журналистни эл эҳтиромини ва ишончига сазавор этади.


Мен умримнинг қарийб 60 йилини ҳам севимли, ҳам машаққатли ана шу касбга бағишладим. Бу касб гоҳо ўзига хос, кўпчиликка манзур бўладиган ижод маъсули билан қалбингизни қувончга тўлдирса, гоҳида муаммоли мақолангиз билан қарама-қаршиликларга дучор этади. Сиз доимо ўзгача бир дунё – ҳаёт қувончларини ташвишлари оғушида, энг қайноқ жабжаларда яшасиз, излана-сиз, меҳнат қиласиз. Ҳақиқий журналистика моҳиятидан ана шундай касб. Бу касб эгаси маънан бойиб, элга танилса ҳам асло моддий жиҳатдан тўлиб-тошиб яшамайди. Чунки у ҳеч қачон бойлик, мол-дунёни бирламчи ўринга қўймайди.

Биз ишлаган даврда ёшлар газетаси (собиқ "Ёш ленинчи", "Туркистон") ўзига хос, жангвор, ўз сўзини айта оладиган, ҳақиқатга ва танқидга бағрини очган, миллатпарвар, мустақиллик йўлида фидойилик кўрсатишга чин дилдан ўзларини бағишлаган журналистларнинг босма наشري эди. Газетанинг 80-йиллар иккинчи ярмидаги сонларини мутолаа қилиб, чин маънода давр солномаси дейиш мумкин. Уша йилларда газета саҳифаларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши, халқимизнинг дилидаги ғам-ғуссалар, тарихнинг ўқилмаган саҳифалари, қатағон қурбонларининг жожеали ҳаёти ва тақдири,

Мен ҳамкасбаримни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан қутлар эканман, уларга ҳормай-толмай ижод қилишни, мамлакатимиз маънавий сарҳадларининг муносиб носонлари бўлишларини, журналист номига муносиб фаолият юритишлари билан бирга ҳаминша меҳнатлари кадр топишини, одамлардан икки қалам олдида юриб, халқ қувончу ташвиши билан яшаб, эл назарида бўлишларини тилаб қоламан.

**Қадрдон қайрағоч**

Қурбон Эшматни республикада матбуот оламида танимайдиган журналист, ижодкор йўқ эди, десак хато қилмаган бўламиз.



**Қадрдон қайрағоч**  
атоқли журналист хотирасига бағишланган маърифий анжуман ва "Қадрдон қайрағоч" китобининг тақдими ўтказилди.

Боси, аввало, у юртимизнинг ақсарият газеталар, журналлар таҳририятларида ҳалоллик билан фаолият юритди. Қолаверса, унинг кўпмақолали нафақат ўзи фаолият юритган газеталар, журналларда, мамлакатимизнинг ақсарият матбуотида нашрларида буй кўрсатди. Уни халқимиз ҳам яхши биларди. Ахир унинг мақоллари, лавҳалари, очерклари, бир сўз билан айтганда, қалами орқали қанча инсонлар мақталган, қанча одамларнинг илгари очилган, қанча шахслар улугланган, юртимиздаги ютуқлар, камчиликлар руй-рост кўрсатилган. Уларни ўқиган муштарийларнинг эса саногини йўқ.

Айни пайтда Қурбон Эшмат одамхон эди. Бу хусусида устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев "У очик фёул, айтган гапида турадиган, алдам-қалдам кўчасига кирмайдиган, дўппи тор келиб қолганида ҳам бор гапни борлигича айтдиган, яқин дўстими ё ўзи ишлаётган жамоани раҳбарими, ким бўлмасин, бордию янглишаётган, чалкашаётган бўлса, камчилигини тўғри юзига айтишдан қайтмайдиган инсон эди", деб ёганида юз қарра, минг қарра ҳақ.

Қатта кичик ҳамини эхтиром билан "отам"лаб ўтган, кўплаб босма табоқ мақолалар, асарлар ёзган Қурбон Эшмат ҳаёти давомида бор-йўғи иккита китобига тартиб беришга улгурди. Аммо иккинчи китоби "Қадрдон қайрағоч"нинг қувончларидан баҳраманд бўлиш насиб этмади. Шу сабабли Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси айни кунларда хайрли ишни амалга оширди. Уюшма залида

фаолиятлари хусусида сўз юритдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва Салим Ашур атоқли журналистга бағишланган шеърлардан ўқиб бердилар.

– Қурбон Эшматов "Туркистон" ("Ёш ленинчи") газетасида журналист сифатида шаклланди, – деди фахрий журналист Жаббор Раззоқов. – У оддий инсонми, раҳбарми, қаттами-кичикми, барибир, ҳамма билан бирдек муносабатда бўлар, улар билан юракдан, самимий, қадрдонларча муомала қилар эди. Шу туйғайли дўстлари, қадрдонлари кўп эди. Ижодкор сифатида иқтидорли эди. Ҳаётда кўп нарсани кўрган, шу сабабли барча мазмунларда ўқишли материаллар ёзарди. Мард йигит эди. Унинг "Жосорат" медални билан тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

Қурбон Эшматнинг "Қадрдон қайрағоч" китобидан ҳикоялари, суд очерклари, ҳаётий ҳикоялари, журналист ҳаёти билан боғлиқ ҳангомалар ва у ҳақдаги хотиралар ўрин олган.

Китобда инсон қалбидан кечган туйғулар ҳаминша ҳам бир залда бўлмаслиги, улар қарама-қаршиликлар, ҳаёт изтиробларига уйқаш, покликка ундовчи туйғуларга лиммо-лим бўлиши акс эттирилган. Айниқса, оналарни эъзозлаш, инсонларни ардоқлаш билан боғлиқ ижод намуналари китобхонни таъсирлантирмай қолмайди.

Китоб сарлавҳасига қайрағоч номи-нинг киритилиши бежиз эмас. Қайрағоч – табиатга, атраф-муҳитга зеб бериб турадиган, одамларга бошпана бўладиган, салқинлик бағишлайдиган, ҳаётда гузаллик, яхшилик тисолига айланган дарахт. Назаримизда, Қурбон Эшматнинг ўзи ҳам журналистикамининг қайрағочларидан бирига айланган эди. Бу анжуманинг матбуот ҳодимлари байрами арасида ўтказилиши ушбу соҳа вақиллирига эхтиромнинг яна бир ифодаси бўлди.

**МАҲОРАТНИНГ  
АСОСИ –  
журналистик таҳлил**

**Фармон ТОШЕВ,  
Самарқанд вилоят "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник"  
газеталари таҳририяти бош муҳаррири**

Пактачи туманидаги "Пахтакор овози" газетасида биринчи мақолам 1966 йилда чиққан бўлса, 1973 йилдан бошлаб таҳририят остонасига боғланганман. Биринчи устозим Анвар Жўрабоев (жойлари жаннатдан бўлсин!) дарсдан кейин ҳузурга чорлаб, турли топшириқлар берарди. Ахборот бўлими бўлганлиги учун ҳар хил тадбирларга, қороналарга юборарди. "Кўриб, ишонч ҳосил қилиб, фамилия ва исmlарини қайта текшириб, бирорта мутахассисга ўқитиб, ундан кейин менга олиб кел", дерди. Бу ўғитларга ҳозиргача амал қиламан. Табиийки, жойларга чиқиб, аҳволни ўрганишдан, одамлар билан очиқчасига суҳбатлашишдан эринадиган ҳамкасбаримни ҳазм қилолмайман.

Ижоддаги машаққат бу ёзишгина эмас. Агар шундай бўлганда шифокорлар маҳоратли ёзувчи бўлиб кетишарди. Машаққатнинг кейингиси шартли мақсадни аниқ олиш, яъни ёзадиган мавзунинг концепциясини яратиш. Ана шунда сарлавҳа ўз-ўзидан пайдо бўлади ва мақола ана шу сарлавҳанинги ҳақиқий исботи ва шарҳига айланади. Менга устозлик қилган Аҳмаджон Мухторов, Манноб Нажмиддинов, Суръат Орипов, Самариддин Сирожиддинов ва Асад Дилмуродов айнан ана шу йилни тутарди. Машаққатнинг кейингиси материал тўплаш ва баён йўналишини белгилаш. Бу жуда муҳим нарса, чунки ҳар қандай мақола ортиқча расмиётчиликдан холи бўлмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда ижодкор кўпайгандек туюлади, ҳамма ёзапти: журналист ҳам, ёзувчи-шоир ҳам, блогер ҳам, аризачи ҳам, аммо эътибор билан ўқийдиган одам камроққа ўхшайди. Ачинарлиси, айрим ҳамкасбаримиз воқеа-ҳодисалар баёнига мойил бўлиб таҳлилдан йироқлашяпти. Шунинг учун бўлса керак, газеталарда ҳам, интернет тармоғида ҳам, гарчи тақчил бўлса-да, бундай материал қизиқиш билан ўқилапти. Назаримда, таҳлилнинг камлиги журналистик тадқиқот, яъни кузатувнинг камлиги ёки саёзлигида.

Байрам арасида ҳар йили бизга сабоқ берган, ибрат бўлган устозларни эслаймиз. Очиги, бу ишни йил давомида ҳам амалга ошириб турамыз. Нега, нега учун? Чунки аввало, устозлар ўзларининг меҳнаттаб касбини муносиб шоғирдлар давом эттираётганини билишимиз. Қо-

лаверса, бугунги ёшлар мен ҳам фидойилик кўрсатиб, юксак маҳоратга эришсамгина, касбимда обрў топаман, деган қатъий фикрга келишлари керак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонов, бир пайтлар ҳар қандай мусафҳахларга ибрат бўлган ҳарф терувчилар Жамила Ҳусайнова, Насиба Турсунованинг 85, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сулаймон Хусайновнинг 75 йиллик машваратлари ана шундай хулосаларга имкон берди. Чунки бундай тадбирлар уч авлод вақилларининг касб обрўси тўғрисидаги мулоҳазалари ва тажрибаларини ўртоқлашиш йўсинида ташкил этилди.

Журналистнинг маҳорати ижодий жараёнда шаклланади, дедик. Замона зайлини, ислохотлар моҳиятини англаб етиш учун ижоднинг мавзуси кенг бўлмоғи лозим. Мисол учун, бизда "Мулоҳаза учун мавзу" руқни ташкил этилиб, ижодий ходимларнинг ҳар бири энг долзарб мавзунини ўртага ташлайди. Бу мавзуда чиққан сара мақолалар китоб, яъни хрестоматия ҳолида ёш ҳамкасбаримизга тақдим этилади. Дарвоқе, жорий йилда биз "Самарқанд академиклари", "Зарафшон" бош муҳаррирлари, "Анқабой Худойбаҳтов", "Самарқанд зарвараклари" каби китобларни чоп этдик. Бу нашрларни тайёрлашда бутун жамоамиз иштирок этди. Бундан ташқари, етакчи журналистларимиз ўз мақола ва публицистик эсселарини китоб ҳолида чиқаришига ҳам кўмаклашяпти.

Албатта, глобаллашув жараёни ҳаётдаги кўп ҳодисотларга муносабатларимизни ўзгартириб юборди. Янаям аниқроқ айтганда бўлса, бизга пинҳон кўринган маълумотлар ошқора этилди. Ахборотлар тезлиги маълумотлар олишни осонлаштирди. Аммо бу маълумотларни таҳлил қилишга ана ҳафсала, на сабр топа олаяпти. Одатда "Биринчи гапирган биринчи бўлади", деган жуда сароб шоир мавжуд. Афсуски, баъзи ҳолларда ана шу шоирни фаолиятимизга асос қилиб олаётганимиз ҳам сир эмас. Аслида журналистик таҳлил матбуотимизнинг асосий мақсадига айланиши керак. Демокриманки, биз журналистикамизда босма нашрларнинг нуфузини ошироғчи эканмиз, аввало, масаланинги ана шу жиҳатига эътибор қаратишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Ҳеч қайси замон журналистика учун осон бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Негаки, замон забти билан юриш, давр нафасини сезиш, воқеалар оқибатини олдиндан билиш ва ундан кўпчиликин оғохлантириш ҳамма вақт ҳам осон кечган эмас. Қолаверса, матбуот доимо шахнинг шаклланишига, тарбиясига, унинг нуктан назарига таъсир қилган. Ва бугун ҳам айнан ана шу мақсадда фаолият кўрсатаяпти. Мен бундай шарафли вазифани бажарётган ҳамкасбаримга ижодий омадлар тиламан.

# KUCHLI VA ADOLATLI JAMIYATGA IJTIMOYIY BIRDAMLIK ORQALI ERISHAMIZ!

✓ 9-IVUL

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

MAHMUDOVA ROBAHON



## BARCHASI UCHUN SIZGA TASHAKKUR!

Хаёт инсонни қандай синовлардан ўтказсади, буни ҳеч ким олдиндан билмайди. Мен ҳам болалигимданоқ тақдирнинг аччиқ зарбаларига дуч келдим. Бошқа тенгдошларим сингари болаликнинг беғубор, беғам, беташвиш лаҳзаларидан завқланиш ўрнига етимликнинг аччиқ қисмати бошимдан ўтказдим, буни фақат хаётда шундай яшаб кўрганларгина ҳис эта олади...

диган муқаддас даргоҳимга айланди. Шунда мен оила муқаддаслигини, яқинларинг борлигини сенга қўпратли куч бахш этганини англаб етдим. Робохон Махмудовани онамдек яхши кўриб қолдим.



### Чингиз АЙТМАТОВ: ТАФАККУР ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Дунё инсон учун керак – одамнинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

Бахт дегани дилларнинг уйғуналашиб кетиши деган сўз.

Эзгулик салгина чекинса – бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустаҳкамланиб олади.

...Одамлар ҳар хил тилларда гаплашадилар. Бироқ фақат битта тилда – юрак деб аталмиш забонда севги изҳор қиладилар, қувонадилар, соғинадилар.

Ирода, матонат йўқ жойда севги-муҳаббат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Гоҳида муҳаббат менга қандайдир компьютер қурилмасига ўхшаб кўринади. Агар кўзга кўринмас бирорта мурват ишдан чиқса – бас, бутун бошли мураккаб буюм сариқ чақага қиммат бўлиб қолади.

Коинот миқёсида инсон умри пашшанинг умридай гап. Бироқ инсонга тафаккур ато қилинган, шу нарса унинг умрини узайтиради. Лекин акси ҳам бўлади – кескин қисқартиради ҳам.

Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина одамларни ҳар қандай пасткашлиқдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин.

### Мўминжон ШЕРМАТОВ, Фарғона вилояти миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси ходими

Ҳозир бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Мен оч ёки кўчада қолганим йўқ; меҳрибон ва адолатпарвар мамлакатда туғилганимга шукр қиламан, яхшилар шарофати билан 2008 йилдан 2015 йилгача Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйда тарбияландим. У ерда яшаганим, ўқишим учун ҳамма имкониятлар мавжуд эди, аммо... Бола учун энг зарури – ота-она меҳрини топа олмадим.

Кўёш эрта тонгданоқ заррин нурларини олам узра соча бошлар экан, у инсон ҳаётининг янги саҳифаси очилаётганидан дарак беради, ўтаётган кунлар ойларга, йилларга уланаверади. Мақсадсиз, маслакисиз яшаётган кунларнинг бирида 3-4 нафар тақдирдош дўстларим билан Фарғона вилоятидаги саҳноат касб-хунар коллежининг механика йўналишига ўқишга кирдик. Тўғри, мен ўқишни коллежда давом эттира бошладим, аммо бу мақсад сари даражадан кўра оғир эди, яшашни давом эттириш сари ҳаракат эди, холос... Балки қоринни тўйдириш гамида ўғирлик, қазоблик сари кетаётгандай эдим. Чунки қалбимда на бир ниёт, на бир аниқ режа йўқ, фақат бўшлиқ бор эди.

2017 йилда Президент Халқ қабулхонаси ташкил этилгани, биз унга мурожаат қилсак, моддий таъминотга эга бўлишимиз мумкинлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, Фарғона вилояти Халқ қабулхонасига бордик. Қабулхона раҳбари Робохон Махмудова биз билан узоқ суҳбатлашди, келгуси режаларимиз ҳақида сўраб-суриштирди, муаммоларимизни тинглади. На ота-онаси, на уй-жойи бўлмаган ўсмирнинг қандай режаси бўлиши мумкин? Дилимиздаги фикрларимизни уққандай у киши ўзимизни ҳеч кимга кераксиздай ҳис қилмаслигимизни, ортимизда биз сунянидан Ватанимиз борлигини, бизни асло ёлғиз қолдирмаслигини, олдимизда ёрқин келажак кутаётганини тақдор-тақдор уқтирдилар ва қилажак ишимиз, юражак йўлимиз ҳақида маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатдилар. Шунда қалбимизда, йўлимизда "йил" этган нур жиллангандек бўлди. Шундан сўнг Халқ қабулхонасига тез-тез келиб турадиган бўлдим. Ҳақиқатан ҳам,

Робохон опа бизларни ўз назоратига олдидлар, соатлаб суҳбатлашар, ҳаттоки эртанги кунни нимадан бошлашимизгача йўналтирар эдилар.

Бизларнинг ҳар биримизга Фарғона шаҳридан 2 хонали уй берилишини эшитганимизда, тўғриси, ишонмадик. Аммо бизга Фарғона вилоят ҳокими билан Робохон опа янги жиҳозларни кўрпа-тўшагига, барча зарур нарсалари билан таъминланган янги уй калитини топшириганида кўз ёшларимизни тия олмадик, шундай юртда туғилганимиз учун шукроналар айтдик, негаки, энди бизнинг ўз уйимиз бор эди!

Шу-шу Халқ қабулхонасининг Фарғона вилоят бўлими менга қадрдон бўлиб қолди, бошқа дўстларимдан ҳам кўра мен кўпроқ бу даргоҳга борардим. Робохон опа биз билан соатлаб суҳбатлашар, аниқса, менга меҳрлари бўлакча эди. Мен ҳам бундан қўқайиб қолган худди янги оилам, ҳатто онамни топгандай бу даргоҳга талпинар эдим. Робохон опа мен учун маслаҳатгўйим, йўл кўрсатувчи маёқ каби эдилар, мен у аёлни онамдек яхши кўриб қолдим. Болалиги меҳрибонлик уйда ўтган, келажакимга номаълум мен каби ўсмирни ҳаёт Робохон опа билан учраштираганимиз олдимга қўйган бирорта мақсадим йўқ эди ва шу билан бирга, энг даҳшатлиси, мен она меҳри нималигини билмас эдим. Меҳр кўрмаган инсонда меҳр бўлмаслиги ҳаётгўй ҳақиқат.

Мен қалбимнинг амри ва у кишининг руҳсати билан Робохон опани она деб атаб бошладим! Чунки илк бор у кишида оналик тафти, муҳаббати, меҳрини ҳис қила бошлаган эдим. Отажоним мен билан ҳар кун учрашар, ўқиш жойимга, уйимга келар, инсон ҳаётда катта мақсадлар билан яшаши кераклигини ва ҳаммаша юқори чўққиларга интилиши лозимлигини тақдорлар, шундангина муваффақиятга эришиши мумкинлигини уқтирар эди. У кишининг маслаҳатларига асосан спорт билан шуғуландим, уларнинг тавсияси, ёрдами билан ўқишга жиддий тайёргарлик кўрдим. Менинг ҳар бир куним, ҳатто ҳар соатим онам назоратида эди. Шундай инсонни она деймай бўладими?!  
Онам кўрсатган йўлдан оғишмай



Дил изҳори

юрар эканман, уларнинг ўткир нигоҳлари олдиндан кўра олган келажак бўй кўрсата бошлади, меҳнатларим ўз самарасини бериб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Отажоним тақдиринг бебаҳо тўғриси бўлгани каби, бу хушхабар ҳам мен учун ҳаётнинг юксак мукофоти эди. Аммо ҳали олдинда янада машаққатли ва юксак марраларни забт этиш, бунинг учун мустаҳкам ирода керак эди. Шунда менга яна онажоним ёрдамга келди: курсантликнинг машаққатларига сабрим етмаганида, қийналиб ўқиб юрган пайтларим онажоним деярли ҳар кун олдимга келиб, "Сиз бўлгуси ҳарбийсиз! Олдинда учраган ҳар қандай тўсиқни ениб ўтишингиз керак! Ҳаттоки сафдошларингиздан бир қадам олдинда бўлишга интилинг! Шундангина мақсадингизга етасиз – Ватан ҳимоячиси бўла olasiz!" деб мени руҳлантирар эдилар. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ҳар кун кечки пайт ота-онасиз, ўздан бошқа яқин инсон бўлмаган, бахтли ҳаётни тасаввур ҳам қила олмайдиган мен каби бир йигитнинг ҳолидан хабар олиб турдилар. Шунда мен ёлғиз эмаслигимни, кимгадир керак эканлигини ҳис қила бошладим, бу эса менга битмас-туганмас куч ато эди. Онам хонадонларига олиб бориб, ака-опа билан таништирдилар ва улар менинг сунъичигимга айланиди. Бу хонадон менинг бир умрлик, ҳаммаша, ҳар қандай шароитда бош уриб бора ола-

диган муқаддас даргоҳимга айланди. Шунда мен оила муқаддаслигини, яқинларинг борлигини сенга қўпратли куч бахш этганини англаб етдим. Робохон Махмудовани онамдек яхши кўриб қолдим. Бир кун академия бошлиғи ҳар бир курсант ота-онаси билан бирга тушган расмини олиб келиши кераклигини айтди. Ҳар бир курсдошим уйига шошилди. Мен эса Фарғона вилояти Халқ қабулхонасига бордим. У ерда ишлайдиган ходимлар ва онажоним Робохон Махмудова билан расмга тушдим. Топшириққа асосан расмини академияда ўзим яшайдиган хонага қўйиб қўйдим. Ҳар кун эрта тонгда уйқудан уйғониб, янги кунни қаршилаётганимда онажоним расмларини кўраман ва улар билан дилдан суҳбатлашиб, бугунги кунимни аёло даражада ўтказишга сўз бераман, кечкурун эса куним қандай ўтгани ҳақида сўзлаб бераман гўё. Бу менга мислсиз меҳр ва куч бахш этарди ва ўша куним кўтаринки руҳда ўтарди.

Шундай қилиб, академияни аёло баҳолаб тугалладим. Битирув тадбирида онажоним бир қучоқ гул билан келдилар. Мен эса қатъий иродали, тобланган, Ватан ҳимоясига тайёр лейтенант унвонидagi фарзанд сифатида ёруғ юз билан онажонимга пешвоз чиқдим ва кучоғига отидим! Буларнинг барчаси онажоним туфайли эди!

Отажонимнинг ўзлари бош-қош бўлиб мени севган қизимга уйлантирдилар, тўйимизга юртимизнинг боабрў кишилари меҳмон бўлиб келишди. Мен каби она меҳрини кўрмай улғайган йигит учун буларнинг ҳаммаси гўёки ширин туш эди...

Шу билан катта масъулият ҳисси ҳам эди.

Мен онажонимда доимо сабр ва меҳрни, интилувчанликни, ҳар бир ишни ўз вақтида ва ўйлаб, чуқур мулоҳаза билан, натижагасиз ишонч ҳосил қилиб, режали тарзда бажариш каби хислатларни кўраман, уларни ўзимда шакллантиришга ҳаракат қиламан. Кеча келажаким мавҳум, яшайдиган мақсадини англаб олмаган, ишончсиз, сунъисиз, ҳаётда ёлғиз мен каби йигит бугунги кунда Фарғона вилояти миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармасида фаолият олиб бормоқдаман. Ишонч билан айта оламанки, ўз вазифамни астойдил бажараяпман, мустақил, қатъий, мустаҳкам, тошдек мегин ирода эгасиман. Хонадонимдан кўнглим хотиржам, бахтиёр оилам бор. Ҳаётда ўз ўрниمنى топдим, адашмадим, мен тўғри йўлдаман, деб бемалол айта оламан. Буларнинг барчаси учун онажонимдан, Ватанимдан, Яратгандан миннатдорман!

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош мухаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУХАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Мухаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Тальят МУРОДОВ  
Абдукамол РАҲМОНОВ  
Умиджон СУЛАЙМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);  
71 288-42-14 (144);  
Котибиат — 71 288-42-12 (132);  
Ахборот, хуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;  
Қабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15  
Реклама бўлими —  
Масъул котиб — Абдугани Содиқов  
Навбатчи мухаррир — Камол Матёқубов

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

info@adolatgz.uz  
adolatgz-95@mail.ru



Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 600

Адади — 16106  
Босишга топширилган вақти — 21.00  
Босишга топширилди — 21.00

Баҳоиси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳрирнинг жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун буюнани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.